

YANG O'ZBEKISTON: 2023


CONFERENCES.UZ

INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

DAVRIYLIGI: 2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF
ETILGAN DNK

Johann Friedrich Mischer



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORUJIY O'LIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QUVCHILARI, YOSH O'ILIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



SENTYABR
№56

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
1-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-1**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-1**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 56-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 17 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофик:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Ю. Фозилова СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЕРКИН- ЛИКЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН	7
2. Саттаров Абдуғофур Хамидович ИЗЧИЛ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР	9
3. Хамраева Шахло Ибрагимовна СУДЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ.....	12



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЕРКИНЛИКЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Ю. Фозилова

Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судяси

Аннотация: Жамият тараққиёти қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу мақолада мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида қилинаётган ислоҳотлар ва бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларининг ҳимоя қилиниши ҳақида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: конституция, Ўзбекистон-2030 стратегияси, суд, ҳуқуқ, ислоҳот, судлов, судья, ҳужжат, фармон, қонун, молиявий мустақиллик. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликлари кафолатларини кучайтириш, уларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини қонунчиликда янада мустаҳкамлаш, одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиклигини таъминлаш, ўз навбатида, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонунчилик ҳужжатларини бекор қилишни тақозо этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Мустақил, очик ва шаффоф суд тизимини шакллантириш ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда институционал ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатида устуворлик касб этмоқда. Айниқса, одил судловда очиклик, жамоатчилик механизми қўлланилиши, суд ҳукми қабул қилинишида инсонпарварлик тамойили намоён бўлиши аҳоли ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини қонуний кафолатлаётир. Албатта, буни суд-ҳуқуқ соҳасига катта ётибор қаратилаётгани натижаси, дейиш мумкин. Бинобарин, тизимда сўнгги йилларда татбиқ этилаётган муайян чора-тадбирларга кўра, аввало, судларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди. Судларни молиялаштириш тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Президентимизнинг 2021 йил 13 январдаги “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, судья ва суд органлари ходимларининг иш ҳақлари ҳамда қўшимча тўловлари тўлиқлигича Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Шунингдек, судьяларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилгани ҳам ётиборга молик. Булар, албатта, суднинг мустақиллигини таъминловчи муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” иккинчи устувор йўналиш сифатида мустаҳкамланган бўлиб, мазкур йўналишда асосий мақсадлардан бири давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга еришиш даражасини ошириш ҳисобланади.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга



оширилаётган ислохотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда. Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”ни амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси қабул қилинди. Мазкур стратегиядан кўзланган асосий мақсад – ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятнинг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳоли фаровонлигига эришишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, очиқлик ва ошкоралик тамойилларининг таъсирчан шакллари жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, стратегияни ишлаб чиқишда янги таҳрирдаги Конституциямиз асос вазифасини бажарди. Айнан янги таҳрирдаги Конституцияда давлат органлари фаолиятининг асосий мезони бу – инсон ҳуқуқлари, инсон эркинликлари экани кўрсатилган. Эътиборли жиҳати, эндиликда давлат бошқаруви рақамли ҳукумат тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Бевосита бу система қуйидан бошлаб юқорига қараб амалга оширилади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги яна бир асосий мавзулардан бири бу суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар билан боғлиқ. Суд-ҳуқуқ соҳаси ислохотларини бевосита 3 та йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчиси, суд-ҳуқуқ системасини рақамлаштириш йўналиши. Бу ерда биринчи навбатда фуқаролар судларга мурожаат қилган пайтда ҳар бир босқичнинг рақамлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни, ортқича овозгарчиликларнинг олдини олиш ва фуқаролар суд билан тезкор боғланишини таъминлаш учун ҳам бу йўналиш муҳим ҳисобланади. Масалан, фуқарога жиноий иш қўзғатилган пайтда судлардаги жараённи кузатишга ва мавжуд вазият билан танишишга эҳтиёж бор эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, суд жараёнини тўлиқ электронлаштириш ва вазиятни доимий кузатиб туриш тизими шаклланади.

Иккинчи йўналиш сифатида коррупциянинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни 2030 йилга қадар бутун қонунчилик коррупциядан ҳоли бўлади. Бу ҳам давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Дейлик, давлат харидлари билан боғлиқ соҳаларда ёки манфаатлар тўқнашуви муносабатларида коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва бу соҳани ҳам рақамлаштириш асосий мақсад сифатида қаралмоқда.

Учинчи йўналиш сифатида Конституцияда белгиланган актлар, “Миранда қониси” каби нормаларни амалдаги қонунчиликка сингдиришни ҳам стратегиянинг асосий мақсадларидан бири сифатида қарашимиз мумкин. Умуман олганда, бу йўналишлардан асосий мақсад, судларни, умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни халққа янада яқинлаштириш, халқ билан ўзаро узвий боғлиқликни шакллантириш ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам суд тизимидаги ислохотлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Зеро, Бош қомусимизда суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлашга оид алоҳида модда киритилгани судлар мустақиллиги кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари.
3. Ҳ. Одилқориев Конституция ва фуқаролик жамияти. Т: Шарқ, 2002
4. <https://parliament.gov.uz>
5. <https://iiv.uz>
6. <https://yuz.uz>



ИЗЧИЛ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР

жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг маънавий мезонлари.

Сагтаров Абдуғофур Хамидович
ИИВ Малака ошириш институти
Юридик фанлари кафедраси профессори

Аннотация: Мақолада Ички ишлар органларининг доимий профессионал кадрлар таркибини шакллантириш, ходимларнинг хизмат қилиш давомийлигини узайтириш бўйича рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг касбий малакаси ва шахсий қобилиятларини инобатга олган ҳолда, шахсий таркибни лавозимларга муносиб тақсимлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланганлиги ҳамда аниқ маънавий мезонлар асосида ислоҳотлар олиб борилиши юзасидан муаллиф фикрлари бериб ўтилган.

Калит сўзлар: *ички ишлар органлари, глобаллашув, маънавий мезонлар, ватанпарварлик, садоқат, мустақил дунёқараиш.*

Мамлакатимизда сўнгги йилларда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш йўлидаги кенг қамровли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, ўтган сўнгги қарийб етти йил мобайнида давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳада жуда катта ўзгаришлар бўлди. Суд-ҳуқуқ ва қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳам изчиллик билан ислоҳотлар давом эттирилмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида давлат бошқаруви фаолиятида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар бир ички ишлар органлари ходими ва ҳар бир раҳбарининг зиммасига улкан вазифаларни қўймоқда. Бугунги шиддат билан ўзгараётган давр қонун устуворлиги ва қонунларга итоатгўйлик ҳамда уларнинг ижросини таъминлашни жамиятнинг барча аъзолари олдидаги энг муҳим вазифа этиб қўймоқда.

Шундай экан, мамлакатимизнинг давлат бошқаруви тизимида оддий ходимларидан тортиб то мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари Қонституция ва қонунларга мувофиқ бўлиши шарт. Барча буғиндаги ходимлар, раҳбарлар қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишлари шарт.

Ана шу қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўтган давр мобайнида мамлакатимизда эришилган ютуқлар иқтисодиёт, сиёсат, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, таълим-тарбия ва маънавият соҳасидаги барча ўзгаришлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Замонавий раҳбар ва ходим қандай бўлиши керак Бугунги долзарб вазифалар нималардан иборат. Аввало тинчликни таъминлаш зарур экан, диний-экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик балоларидан ёшларни қандай асраш керак.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ҳаётга тадбиқ этишнинг янги усуллари нималардан иборат. Ташқи душманларнинг ички душманларимиз билан ўзаро тил бириктиришларига йўл қўймаслик учун нималарга эътибор қаратиш керак. Ана шу саволлар мажмуасига жавобни раҳбар ва бугунги замон ёшлари қандай бўлиши керак, қандай раҳбар ёки ходимни замонавий раҳбар ёки замонавий ходим деб атаймиз. Ана шу саволларга жавобни раҳбарларнинг ва ёш ходимларнинг маънавий мезонларидан излашимиз керак.

Модомики шундай экан, ҳар қайси ички ишлар органлари раҳбарининг ёки ходимининг ўқуви, иқтидори ва салоҳияти унинг жамоадаги обрў эътиборини юксалтириш билан бирга иш фаолиятидаги муваффақиятини ҳам таъминлайди.

Ички ишлар органларининг раҳбари ёки оддий ходимининг маънавий мезонлари таниқли олимларнинг фикрича қўйидагилардан иборат.

Биринчиси, истеъдод бўлиб, олимлар узоқ изланишлардан кейин раҳбар ёки ходимнинг истеъдоди қўйидаги ўн олти вазифани оқилона бажаришда намоён бўлишини аниқлаганлар. Ишларни режалаштириш, тўғри қарор қабул қилиш, юқоридаги ахборотни ола билиш, қўйидаги ахборотни ола билиш, ижрочини танлай билиш, буйсунувчиларга талабни қўя олиш, ходимлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, улар билан



холисона муносабатда бўлиш, тарбиялаш. Муомила қила олиш, кескин чоралар қўллаш, рағбатлантириш, ўз фаолиятига танқидий муносабатда бўлиш, ўз устида ишлаш, ўз фаолиятини баҳолай билиш ва замон талабларини англаш.

Иккинчи мезон изланувчанлик. Ҳар бир ходим ўз малакаси ва маънавий онгини юксалтириб бориши учун изланувчан бўлиши керак. Янгиликка интилиш, янгиликни қабул қилиш ва янгилик ярата олиш ходимнинг маънавий даражасини белгилайди.

Учинчи мезон замонвий билимларни ўзлаштириш. Бугунги раҳбардан ёки ёш ходимдан ахборотлар технологияси, ҳуқуқ, сиёсат ва маънавий илмларидан хабардорлик талаб қилинади. Барчангизга маълум бугунги кунда янги Ўзбекистон, янги жамият ва янги давр шахсини шакллантириш жараёни кетмоқда. Шундай экан ҳар бир ходимларидан замонвий билим соҳиби бўлиш талаб этилади. Буюк маърифатпарвар бобомиз Махмудхужа Бехбудий ўз даврида бундан бир аср муқаддам шундай деб ёзган эди. **Ҳозирги замон ишларига хоҳ тижорат, хоҳ ҳукумат, хоҳ саноатхоналарда бўлсин, кириб вазифа олмоққа ва иш қилмоққа илми замонвий лозим... Лозим бўлганда ўзингизни ва ўғлингизни замонга ўқимоққа ҳаракат қилсангиз.**

Бундан аён бўладики, замонвий билимлик ўз даври эҳтиёжларига мос билимларни чуқур ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишдир.

Тўртинчи мезон Ватанпарварлик. Ички ишлар органлари раҳбарлари ва ходимларининг ватанпарварлиги ўз қўли остидаги ходимларга ёки ўзи билан ишлаётган ҳамкасбларига меҳрибонликдан бошланиб, ўз касбини севиш ва иқтидорини яхшиликка сарфлашда юзага чиқади. Бугунги ватанпарварлик Ватанимиз тарихини билиш, ҳозирги муаммоларни ҳал этиш ва эртанги истиқболни аниқ тасаввур қилиш билан белгиланади. Айниқса, ватанпарварлик ходимларнинг ўз халқига, Ватанига, Президентга ва ўз бурчига садоқатлигида намоён бўлади.

Бешинчи мезон бурчга садоқат. Раҳбар ёки оддий ходим бўладими жамоасига, жамиятга ва давлатга содиқлик билан хизмат қилса, унинг садоқати намоён бўлади. Садоқатлик жамиятнинг улуғ мақсад ва ғояларига қўшилмоқдир. Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган мамлакатимиз Тараққиёти стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал қилувчи навбатдаги ноёб ҳужжатдир. Ана шу ҳужжатда белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажаришда ҳар бир раҳбар ҳар бир ходим ташаббус кўрсатмоғи лозим. Раҳбарлар ёки ходимларнинг садоқати сўз ва иш бирлигида намоён бўлади.

Олтинчи мезон ўз касбининг устаси бўлиш. Бугунги кунда ҳурматли Президентимиз Ш. Мирзиёев ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслатиб, “... Бизга умид ва ишонч билдирган бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни ҳар бир фуқарони рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик”- деб алоҳида таъкидлади. Демак ҳар раҳбар ҳар бир ходим ўз касбининг устаси бўлмоғи керак.

Раҳбар ёки ходим ўз касбини билишдан ташқари, бошқариш санъатини ҳам билиши зарур. Ана шу сифатни назарда тутиб бобомиз Махмудхужа Бехбудий ўз даврида шундай деган эди. **Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва ғурур эмас.**

Еттинчи мезон бу мустақил дунёқараш. Ҳар бир ходим ҳар қандай масалани ечимини топишда ўз сўзи, фикри ва қарашига эга бўлиши лозим. Кенг фикрлаши ва масаланинг ечимига доир фикрларни айтиши ва тўғри хулоса чиқариши лозим. Мустақил дунёқарашга эга кенг ва теран фикрлаш, узокни кўра билиш билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

Саккизинчи мезон адолатли бўлиш. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг Куч – адолатдир деган ҳикматли ўғити ҳаммамизга маълум. Бу билан буюк Соҳибқирон бобомиз ҳар бир масалани қонун-қоида ва инсон манфаатларига мос ҳал этилишини назарда тутган. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “... қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳромонлари бўлиши керак”.

Ана шундай маънавий мезонларга эга бўлган раҳбарлар ҳам ходимлар ҳам янгиланаётган жамиятимизда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллай олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистонда халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш истиқболлари: Монография. – Т., 2020. – Б. 500.
2. *Мушкет И.И.* Полиция в механизме Российского государства: кандидата юридиче-



ских наук: Санкт-Петербург, 1997. 195 с.

3. Саҳоват. Ж. 1997-2005 й.
4. Турсунов Й. Усманова М.А. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ., 2004 й.
5. Турсунов Й. Шайимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. ТДЮИ, 2003 й.
6. *Азизов Э.У.* Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизми билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари // Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2020 йил 4 март). – Т., 2020. – Б. 81.



СУДЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ.

Хамраева Шахло Ибрагимовна
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси
телефон: +998910840331)
Khamrayeva.2309.i@gmail.com.

Аннотация: мазкур мақола вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтини татбиқ қилиш масалаларига бағишланган.

Мақолада вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтини жорий этиш билан боғлиқ қонунчилик таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: вояга етмаган судланувчи, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, прокурор, қонуний вакил, суд мажлиси, ҳимоя тараф, жиноятни фош қилиш, жиноий гуруҳ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида одил судловнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш устивор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Хусусан, 2016 йил

21 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фикримизнинг исботидир. Мазкур ҳужжатда судда жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш юзасидан қонун лойиҳасини тайёрлаш назарда тутилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ жиноят-процессуал қонунчилигимизда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш муносабати билан алоҳида тоифада иш юритишга оид янги интитути жорий қилинди. Мазкур тоифадаги иш юритиш ЖПКнинг

621-бобида (5861-58610-моддалар) кўрсатилган қоидалар асосида тартибга солинади.

Ҳуқуқ назариясига кўра, бу тоифадаги ишларни юритиш суд-тергов амалиёти талабидан келиб чиқиб, хусусан, жиноий гуруҳлар билан курашиш ва иштирокчиликда содир қилинган жиноятларни очиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида жорий қилинган. Ушбу келишувни жорий қилиш мақсади шахсни жиноят қурбони бўлишидан сақлаш, гумон қилинувчи, айбланувчининг суриштирув ёки тергов органи билан ҳамкорлиги натижасида олинган маълумотлар ёрдамида содир қилинган бошқа жиноятларни очиш шунингдек, янги жиноят содир қилинишини олдини олишга қаратилган. Айблов ва судлов органларининг вақтини тежалиши мазкур институтнинг ижобий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, келишув институтни қўллаш тартиби шахснинг конституция ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоясига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида турли ҳуқуқ соҳаларининг элементларидан юзага келган айбга иқрорлик келишуви институтининг жорий қилиниши бир қатор объектив сабабларга ҳам боғлиқ.

Фикримизча, асосий эътиборни бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинган жиноятларни аниқлаш, айбдорларни фош қилиш ва тергов қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудигига қаратиш лозим.

Шунингдек, жиноят ишларини юритишда келишув институтининг қўлланилиши иштирокчиликда содир қилинган жиноятларни тез очиш ва тергов қилишда объектив қийинчиликларнинг мавжудиги, локал, яширин шароитларда содир қилинган жиноятларни фош қилишнинг мураккаблиги, иш юритишда тортишув ва инсонпарварлик принципларини амалга оширилиши, бир неча йиллар олдин содир қилинган жиноятларни фош



қилиш, айлов ва ҳимоя тарафларининг амалда норасмий келишуви каби ҳолатлар билан ҳам боғлиқ.

ЖПКнинг 5861-моддаси 2-қисмига асосан келишув гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган, гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаганда ҳамда уни бартараф этганда, шунингдек, илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин тузилади. ЖПКнинг 5861-моддаси 3-қисмига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи жиноятни тергов қилишга кўмаклашади, у жиноят оқибатида олинган мол-мулкнинг топишга, жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятларни олади ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этади.

Ушбу қоидаларга мувофиқ қуйидагиларни жиноят ишларни юритишда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишнинг асослари сифатида белгилаш мумкин: 1) жиноятларни тез ва тўла очиш ва тергов қилишда айбланувчи кўмагининг зарурлиги; 2) жиноят содир қилган бошқа айбдорларни аниқлаш ва фош қилиш ва жиноят оқибатида олинган мол-мулкнинг топишга бўлган зарурат.

Таъкидлаш жоизки, келишув тузишни тартибга солувчи нормаларнинг жиноят-процессуал қонунчилигимизда белгиланиши ижобий характерга эга. Мазкур “келишув” айниқса, бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинган жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ. Бундан кўриниб турибдики, жиноят содир қилган иштирокчилардан бири билан келишув тузиш, терговни қисқа муддатларда амалга ошириш ва келгусида жиноятни очишда фойдаланилиши мумкин бўлган, муқаддам терговга маълум бўлмаган маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Баъзи бир олимларнинг фикрича, келишув институтининг салбий жиҳатлари айбланувчи ўзини ўзи ёлгон айблаш ҳолати, натижада айбсиз инсоннинг айбланувчига айланиб, жиноят содир этган шахснинг жазосиз қолиб кетиши, шунингдек, содир этилмаган жиноят учун айблов эълон қилиш ҳолатларида намоён бўлади. Бу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида, қонунчилигимизда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув суд томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилган.

ЖПКнинг 5867-моддаси 1-қисмига асосан айбланувчи ва прокурор ўртасидаги якуний келишув суд муҳокамасида кўриб чиқилади. Бундай келишувни тузиш муносабати билан суд қарорини алоҳида тартибда чиқариш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, айбнинг мазмуни ва ҳажмига нисбатан тортишувнинг мавжуд бўлмаганлиги сабабли суд муҳокамасининг соддалаштирилган тартибда ўтказилади. Суд айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид ишларни кўриб чиқиш чоғида: келишувни тузишда гумон қилинувчининг, айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланган-таъминланмаганлигини ва ЖПКнинг 5861-моддасида кўрсатилган талабларнинг бажарилган-бажарилмаганлигини; келишувнинг гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилган-тузилмаганлигини; гумон қилинувчи, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунган-тушунмаганлигини, унинг оқибатларини англаб етган-етмаганлигини; судланувчи келишувни қўллаб-қувватлаши ёки қўллаб-қувватланмаслигини; гумон қилинувчи, айбланувчи етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини аниқлайди ва натижа-сига кўра суд томонидан келишув тасдиқланади, келишув тузган судланувчига нисбатан ҳукм чиқарилади. Ёки келишув тузиш асослари мавжуд бўлмаганда уни рад этади ва жиноят ишини прокурорга юборади.

Жиноят ишларни юритишда ушбу институтни амалга оширишнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ЖПКнинг 621-бобда назарда тутилган нормаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Фикримизча, келишув институтининг камчиликларидан бири бу – унда жиноят процессининг алоҳида тоифадаги иштирокчиларига масалан, вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни суд томонидан кўриб чиқишда махсус нормаларни (ЖПКнинг 60-боби) қўллаш (қўлламаслик) масаласининг назарда тутилмаган. Ваҳоланки, ЖПКнинг

621-бобига мувофиқ айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга доир ишлар умумий тартибда суд муҳокамасида кўриб чиқилади. Шунингдек, ушбу кодекснинг 547-моддасида



жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби умумий қоидалар билан бирга ЖПКнинг 548 — 564-моддалари асосида юритилиши ҳам кўрсатилган.

Назаримизда, бундай ҳолатда вояга етмаган айбланувчига нисбатан келишувни суд томонидан тасдиқлашга оид нормаларни қўллаш амалиётини бир хиллаштириб бўлмайди, аксарият ҳолларда эса бу каби қонунчиликдаги ноаниқликлар вояга етмаган айбланувчи билан келишувни тузиш амалиётидан “қочиш”га йўл беради. Қайд этиш жоизки, келишув институтини қўллашнинг мақсадларидан бири бу жиноятни очишга ёрдам берган шахсга нисбатан инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабда бўлиш ҳисобланади. Айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган ёки биринчи марта жиноят содир қилган вояга етмаганларга нисбатан келишув тузиш билан иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш долзарбдир.

О.Тошев Германия давлатининг айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузишга оид ҳуқуқ амалиётини ўрганиб, келишув тузган вояга етмаган айбланувчига ҳимоя ҳуқуқини ва малакали юридик ёрдамни таъминлаш механизми батафсил баён қилинишига оид қоидаларни белгиламасдан келишувга оид қонунларни қўллашда қийинчиликка дуч келиши ҳақидаги фикрини билдиради .

Е.Л.Федосееванинг таъкидлашича, “суриштирув ва дастлабки тергов давомида вояга етмаган айбланувчи, гумон қилинувчи билан судга қадар келишув тузиш мумкин эмас, бу тоифадаги ишлар процесснинг умумий қоидаларига асосланиши лозим” .

Судда иш юритишнинг айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув институтини вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўлламаслик, унинг ишни соддалаштирилган тартибга кўриш ва белгиланган жазони енгиллаштиришга бўлган ҳуқуқлари бузилади. Шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган шакларни уларни келишув тузиш, унга кўра ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мажбуриятларни бажаришга лаёқатсиз деб бўлмайди (Фуқаролик кодексининг 27-моддаси).

М.В. Головизнин илмий ишларида вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг тўғридан-тўғри айбига иқrorлиги тўғрисидаги келишувни тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, прокурор билан ҳимоя тарафнинг бевосита шартлашиши вояга етмаганнинг келгусидаги шаклланишига ижобий таъсир қилмайди деб фикр билдиради.

А.В.Гогоевскийнинг таъкидлашича , вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи билан айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув тузиш мумкин эмас. Бу ҳақида илтимоснома терговчи томонидан рад қилиниши шарт. Чунки, айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувга оид суд муҳокамаси фақат умумий тартибда кўрилади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаган айбланувчи билан унинг айбига иқrorлиги тўғрисида келишув тузиш ҳақида нормалар белгиланмаган. Шу билан бирга ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишларини кўришда ҳимоячининг иштироки шартлиги ва қонуний вакилнинг қатнашишига йўл қўйилади. Бинобарин, вояга етмаганлар билан айбга иқrorлик келишувини тузиш мумкин. Умуман олганда, бу икки институт - вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи билан келишувини тузишга оид жиноят ишларини судда кўришнинг ҳуқуқий характерининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Жумладан, ЖПКнинг 5865-моддасида белгиланган қоидаларни инобатга олиб, суд муҳокамасида айбга иқrorлик келишувини тузган судланувчининг шахсига оид қуйидаги ҳолатлар текширилиши лозим бўлади:

1) дастлабки тергов давомида судланувчининг содир этилган жиноятни фош этишдаги, ушбу жиноятнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан жиноий тақибни амалга оширишдаги, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш ва қидириб топишдаги иштирокчилик чегараси ва даражасини;

2) содир этилган жиноятни фош этишда, ушбу жиноятнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан жиноий тақибни амалга оширишда, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш ва қидириб топишда гумонланувчи, айбланувчи билан айбга иқrorлик келишувини тузишнинг аҳамияти;

3) айбга иқrorлик келишувини тузиш натижасида жиноий ҳодисанинг аниқланганлиги ёки жиноят иши қўзғатилганлиги;

4) келишув тузиш натижасида гумонланувчи, айбланувчининг, унинг яқин



қариндошларининг ва бошқа яқинларининг шахсига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган хавф даражаси (5863-моддаси 4-қисми).

Пекин Қоидаларининг 5.1-бандига кўра вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизими биринчи навбатда вояга етмаган боланинг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу қоида билан бир гуруҳ олимларимиз қуйидагича изоҳлайди: “Ҳуқуқ-тартибот органлари билан вояга етмаган ҳуқуқбузар бола ўртасидаги алоқалар вояга етмаган боланинг ҳуқуқий мақоми ҳурмат қилинадиган, вояга етмаган боланинг фаровонлигига кўмаклашадиган ва ишнинг барча жиҳатларини тегишли ҳисобга олган ҳолда болага зиён етказишдан эҳтиёт бўлинадиган тарзда амалга оширилиши керак.

Демак, ЖПКнинг 5863-моддаси 4-қисмида кўрсатилган

1 ва 2-ҳолатларнинг вояга етмаган гумонланувчи, айбланувчи иштирокида аниқлаш бирор бир эътирозга сабаб бўлмайди. Бироқ, айбга иқрорлик келишуви тузилган шахс иштирокида жиноий ҳодисани аниқлаш, шу сабабли унга ҳамда унинг яқин қариндошларига нисбатан хавфни юзага келиш эҳтимолининг мавжудлиги каби ҳолатлар вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи билан тўғридан-тўғри ушбу мазмундаги ҳамкорлигини рад этади.

Германияда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар “Вояга етмаганлар бўйича суд ишларини юритиш тўғрисидаги” қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг саккизинчи кичик бўлими вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш деб номланиб, қонуннинг 76-моддаси асосан вояга етмаганнинг манфаатларига мувофиқ равишда, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаган ҳолда ишни тез ва соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши белгиланган. Мазкур қонуннинг 78-моддаси 3-қисми бу тоифадаги ишларни кўришда қонуний вакилнинг иштироки вояга етмаганнинг фаровонлигига хизмат қилиши ва унинг иштироки ишни кўришга у ёки бу шаклда тўсқинлик қилмаслигини (67-моддаси) инобатга олиб вояга етмаганнинг қонуний вакилининг мажбурий иштирокини назарда тутаяди.

Юқоридагиларга кўра, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи билан унинг айбига иқрорлиги ҳақида келишув тузиш мумкин. Чунки, ЖПКнинг 547-моддасида вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини умумий тартибда кўриш туғридан-тўғри кўрсатилган. Бу бироқ ишни умумий тартибда кўриш вояга етмаган айбланувчининг шахсига оид маълумотларни (ЖПК 548-моддаси) батафсил текшириш имконини бермайди. Шунга кўра, биз вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутадиган ҳам миллий ҳам халқаро стандартларга риоя қилишимиз зарур. Фикримизча, вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили иштироки билан боғлиқ бўлган жиноят-процессуал кодексидаги нормаларни ислоҳ қилиш талаб этилади.

Чунки, жиноят ишларини юритишда вояга етмаган шахсларга нисбатан процесснинг салбий таъсирларини имкон қадар камайтиришга қаратилган махсус нормалардан бири бу қонуний вакил иштирокининг белгиланганлигидир. Қонуний вакилнинг жиноят-процессда вояга етмаганнинг ҳимоясини амалга оширувчи иштирокчилар тоифасига кириши, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шу мақсадга йўналтирилган (ЖПК 5-боб).

Шу ўринда олимларнинг жумладан, И.Каталымова ўз илмий ишида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш давомида педагог, психолог ва ҳимоячининг иштироки талаб этилиши сабабли гумон қилинувчи, айбланувчи билан судга қадар келишув тузиш вояга етмаганнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид эмаслиги ҳақидаги фикрлари билан қўшилаемиз.

Юқоридаги қонунчилик таҳлили, олимларнинг қарашларини инобатга олиб, вояга етмаган судланувчига нисбатан айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув бўйича суд муҳокамасида судланувчининг қонуний вакили иштироки қатъий таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедов Ш., Шарипова Н. Айбга иқрорлик бўйича келишув – қонунчиликдаги янги институтнинг афзалликлари.

2. О.Тошев. Романо-Герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизимларига мансуб айрим давлатларда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти. *Periodica journal of modern philosophy, social sciences and humanities* volume 14, January, 2023. - Б. 97.



3. Федосеева.Е.Л. Заключение досудебного соглашения с несовершеннолетним подозреваемым (обвиняемым). // Наука. Теория.Практика. 2016.73 С. <https://cyberleninka.ru/article/n/dosudebnoe-soglashenie>.

4. Головизнин М.В. Особый порядок принятия судебного решения при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве. дисс. ... канд. юрид. наук.: - М., 2012. – С. 110.

5. Гоголевский А. В. «Экспертное заключение на проект Постановления Пленума Верховного Суда РФ «О практике применения судами особого порядка судебного разбирательства уголовных дел при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве (глава 40.1 УПК РФ)» <http://spbu.ru/files/upload/science/expertiza>.

6. Jugendgerichtsgesetz (JGG). «Jugendgerichtsgesetz in der Fassung der Bekanntmachung vom 11. Dezember 1974 (BGBl. I S. 3427), das zuletzt durch Artikel 21 des Gesetzes vom 25. Juni 2021 (BGBl. I S. 2099) geändert worden ist».

7. И.Каталымова. Досудебное соглашение о сотрудничестве или «сделка с правосудием».«Молодежь о праве».Палата адвокатов Нижегородской области, Совет молодых адвокатов ПАНО. – Нижний. Новгород, 2015. – С 23.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000